



SOME COMMENTS ON THE STATUS OF GENDER STEREOTYPES RESEARCH

Mushtariy M. Abdullaeva

Lecturer

*National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Tashkent, Uzbekistan*

E-mail: mushtariyabdullayeva90@gmail.com

Turon G. Babarakhimov

Lecturer

*National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Tashkent, Uzbekistan*

E-mail: turonbabarakhimov@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: gender, gender stereotype, stereotyping, masculinity, femininity.

Received: 08.06.24

Accepted: 10.06.24

Published: 12.06.24

Abstract: The article analyzes the state of research of gender and gender stereotypes based on it in social and humanitarian sciences. Also, the description and importance of gender stereotypes in social science research will be revealed.

ГЕНДЕР СТЕРЕОТИПЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ҲОЛАТИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Муштарий М. Абдуллаева

ўқитувчи

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон*

E-mail: mushtariyabdullayeva90@gmail.com

Турон Г. Бабарахимов

ўқитувчи

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон*

E-mail: turonbabarakhimov@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: гендер, гендер стереотипи, стереотиплаш, эркаклиқ, аёллик.

Аннотация: Мақолада гендер ва унинг негизида гендер стереотипларининг ижтимоий-гуманитар фанларда ўрганилиш ҳолати таҳлил қилинади. Шунингдек, ижтимоий фанларга доир тадқиқотларда

НЕКОТОРЫЕ КОММЕНТАРИИ О СОСТОЯНИИ ИССЛЕДОВАНИЙ ГЕНДЕРНЫХ СТЕРЕОТИПОВ

Муштари М. Абдуллаева

преподаватель

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Ташкент, Узбекистан

E-mail: mushtariyabdullayeva90@gmail.com

Турон Г. Бабарахимов

преподаватель

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Ташкент, Узбекистан

E-mail: turonbabarakhimov@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: гендер, гендерный стереотип, стереотипизация, мужественность, женственность.

Аннотация: В статье анализируется состояние исследования гендера и основанных на нем гендерных стереотипов в социальных и гуманитарных науках. Также будет раскрыто описание и значение гендерных стереотипов в социальных исследованиях.

КИРИШ

Одатда, ҳар бир фан соҳаси ўзининг тадқиқ қилиш услубидан келиб чиқиб гендер ва гендер стереотипларининг турли жиҳатларини фақат бир томондан ўрганади. Глобал жамиятларда гендер ва гендер стереотиплари масалаларини алоҳида фан соҳасида ўрганишнинг ўзи етарли эмас, бу эса бошқа фанлар билан бирга комплекс ўрганишни тақозо этади.

Бугунги кунда барча мавжуд гендер стереотипларини уч гурухга бўлиш мумкин:

- 1) *эркаклик ва аёллик стереотиплари* – эркаклар ва аёлларга хос бўлган соматик, ақлий, хулқ-атвор хусусиятлари ҳақидаги меъёрий тушунчалар. Масалан, эркаклар доминант, мустақил, тажовузкор, ўзига ишонган, мантиқий фикрлашга мойил, ҳисстуйғуларини назорат қила олади. Аёллар кўпроқ пассив, қарам, ҳиссий, ғамхўр ва юмшоқ;
- 2) *эркаклар ва аёллар меҳнатининг мазмунига тааллуқли стереотиплар* – бунда аёллар учун анъанавий хизмат кўрсатиш, эркаклар учун инструментал, ижодий фаолият характерли бўлади деб ҳисоблаш тушунилади;
- 3) *жинсга мувофиқ оиласий ва касбий ролларни бирлаштириши билан боғлиқ стереотиплар* – бунда эркаклар учун асосий роллар профессионал иш, аёллар учун оиласиинг муҳимлигини акс эттиради. Яъни, жамиятдаги эркаклар иш ва мартабада

профессионал муваффақиятга эришишга интилади; аёллар эса, турмуш қуришни ва фарзанд кўришни, уй хўжалигини бошқаришни хоҳлайди. Ушбу стереотиплар сезиларли даражада чидамли. Уларнинг аҳолининг катта қисми онгида мустаҳкам илдиз отганлиги социализация жараёнида стереотипларнинг авлоддан-авлодга ўтишига ёрдам беради (Дусказиева, 2010, б. 42).

Жинсий ролларни стереотиплаш бўйича биринчи тадқиқотлар эркаклар ва аёлларнинг бир-бирлари ва ўзлари ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ бўлган типик фарқларни ажратиш мақсадида айнан психологлар томонидан олиб борилган. Гендер тадқиқотлар учун бу жуда муҳим ва маълум маънода асосий материал ҳисобланса-да, гендер стереотиплари қандай аниқланиши, уларнинг гендер табақаланишга таъсири, гендер стереотиплари маданиятнинг гендер ҳақиқатини қандай моделлаштириши масалаларини очиб беришга ёрдам бермади (Усачева.). Шунинг учун биз қўйида асосий эътиборни ижтимоий-гуманитар фан тадқиқотларида гендер стереотипларининг таҳлилига қаратиб, унинг антропология, социология, психология ва этнология фанларида тадқиқ қилинганлик ҳолати таҳлил қилинади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Гендер стереотиплари ҳақидаги назариялар:

- қиёсий таққослаш (гендер ва гендер стереотиплари ҳақида антрополог, социолог, психолог, тарихчи ва ҳуқуқшуносларнинг илмий қарашлари қиёсий таққосланди);
- даврийлик (гендер ва гендер стереотип билан боғлиқ назарияларнинг олдинги ва кейинги ўзгариши хронологик келтирилди);
- объективлик (гендер ва гендер стереотипни салбий ёки ижобий баҳолашда белгиланган чегара-қийматдан чиқилмади) каби асосий услубий тамойилларидан фойдаланиб ўрганилди.

Гендер инглизча “gender” – “зот” сўзидан олинган бўлиб, аёллар ва эркаклар ўртасидаги жисмоний (биологик) фарқларни эмас, балки эркаклик ва аёлликнинг ижтимоий жиҳатдан шаклланган хусусиятларини англатади (Гидденс, 1999, б. 666). Гендер дастлаб аёллар ҳақидаги тадқиқотлар билан боғлиқ бўлиб, феминистик файласуфларнинг дастлабки асарларида бу атамани аёлнинг ижтимоий, маданий, психологик жиҳатларини эркаклар билан солиштирганда фойдаланишган, яъни хислатларни ташкил этувчи ҳамма нарсани ажратиб кўрсатишда ишлатишган. 1960-70 йиллардаги “гендер тадқиқотлари” деб номланган барча тадқиқотлар амалда “аёллар тадқиқотлари” бўлиб, ўзларининг феменистик мойилликларини очиқ эълон қилган олимлар томонидан олиб борилган (Пушкирева, 2005, б. 8-19).

Социологлар эса ўзларининг дастлабки асарларида жинс ва гендер тушунчаларини шахснинг мавқе позитциялари орқали ажратишга ҳаракат қилган. Агар жинс инсонга туғилиш пайтида берилган мавқе сифатида кўрилган бўлса, гендер – маданият ва ижтимоий омилларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган эришилган мавқе сифатида белгиланган (Рябова, 2008, б. 23).

Инсон ҳаётида жинснинг ҳамма жойда таъсирини ҳисобга олиб, гендер ривожланиши ва фарқланишини тушунтириш учун бир қатор назариялар ишлаб чиқилган. Жаҳонда мазкур назариялар шартли 3 га ажратилган ҳолда ўрганилади:

1) *биологик* – асосан ген ва гормонлар ролларига эътибор қаратилиб, гормонлар эркаклар ва аёллар ўртасида кузатиладиган айrim фарқлар учун ҳеч бўлмаганда қисман жавобгарилини таъкидлайди;

2) *ижтимоий* – гендер фарқларни қизлар ва ўғил болалар ўз ҳаётларида одамлардан оладиган дифференциал муносабатларнинг иккиласми маҳсулини ҳамда улар ўз муҳитида дуч келадиган, кенг тарқалган стереотипли ҳабарларни аниқлайди.

3) *когнитив* – болаларни ўзларининг хатти-ҳаракатларининг жинси ҳақидаги билимларига мослаштириш мақсадида маълумот қидирадиган, изоҳлайдиган ва унга асосланган ҳаракатларнинг фаол конструкторлари сифатида қарашади (Miller, 2010.).

Сўнгги йилларда гендер назариясида жамиятда гендер муносабатлари орқали тасдиқланадиган ҳокимият ва ҳукмонлик муносабатларига урғу берилмоқда (Рябова, 2008, б. 23).

Гендер кенг қамровли тадқиқот обьекти ҳисоблангани учун ўз тадқиқотимиз предметидан келиб чиқиб, биз фақат гендер стереотипларининг ўрганилиш ҳолатига тўхталамиз. Хусусан, гендер стереотипи – бу эркаклар ёки аёлларнинг хулқ-атвори ва характер хусусиятларининг соддалаштирилган, барқарор, ҳиссий жиҳатдан бўрттирилган тасвири бўлиб, инсон ҳаётининг барча жабҳаларида: ўз-ўзини англашда, шахслараро мулоқотда, гурӯҳлараро ўзаро таъсируда намоён бўлади (Дусказиева, 2010, б. 42). Шунингдек, гендер стереотиплари – бу эркак ва аёлларнинг ижтимоий ҳаётда ўзини тутиши тўғрисида шаклланган умумлаштирилган тушунчалар бўлиб, жинслар ўртасидаги маълум фарқларни тушунтириш, бу фарқларни ифодалаш ва уларнинг мавжудлигини асослаш зарурати билан боғлиқ бир қатор функцияларни бажаради. Умумлаштириш натижасида гендер стереотиплари эркак ва аёлларнинг хулқ-атвори тўғрисида тахминларни шакллантиради (Санюкович, 2013, б. 82-86).

Гендер стереотиплари муаммосига бўлган қизиқиши XX аср 70-йилларида ғарб социологиясида намоён бўлди. Унинг мазмуни ва моҳиятини илк тадқиқ қилганлардан бири И.К. Броверман (Broverman, 1972, б. 59-78) бўлиб, у ўз ҳамкаслари билан эркак ва

аёлларнинг турли хил характер хусусиятларини жинси, ёши, оиласвий ахволи ва таълими бўйича фарқланувчи гуруҳларда мавжудлигини консенсус (одамлар гурухи орасида умумий қабул қилинган фикр ёки қарор)лар асосида муҳокама қилади ҳамда эркаклик хусусиятларини аёллик хусусиятларидан кўра кўпроқ ижобий баҳолайди. Шунингдек, жинсий рол тавсифларини эса эркак ва аёлларнинг ўз-ўзини англашларига киритади. Бундан ташқари, жинс билан боғлиқ ўз-ўзини англашдаги индивидуал фарқлар эришилган ва идеал оила катталиги каби жинсий ролга тегишли ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқлигини таъкидлайли.

Рус социологи А.В. Меренков (Меренков, 2001) ўз тадқиқотларида ижтимоий стереотипларнинг моҳиятини таҳлил қилади, уларнинг сифат хусусиятларини ўрганиб, стереотипларни шакллантириш ва йўқ қилиш жараёнлари ҳамда уларни ўрганишнинг услубий масалаларини кўриб чиқади. Ўзининг социологик тадқиқот материаллари асосида стереотипларнинг гендер хусусиятларини, сиёсий, иқтисодий ва таълим фаолияти стереотипларини очиб беради. Унинг таъкидича, гендер стереотиплари – бу маълум бир маданиятда қабул қилинган маълум бир жинс вакилларининг ҳаёт нормалари ва қоидаларига қараб идрок этиш, мақсад қўйиш ва инсон ҳатти-ҳаракатларининг барқарор дастурларидир (Меренков, 2001, б. 161-196).

Америкалик ижтимоий-психолог Шавн Мегхан Бурн (Burn, 1999, 2000, 2005, 2005, 2012) анъанавий гендер меъёрларини сақлашга ёрдам берувчи омилларни тадқиқ қилиб, аёл ва эркак тенглиги учун курашда ижтимоий идентификация динамикасининг моҳияти ҳамда бу кураш жамиятида тез-тез юзага келадиган салбий оқибатларни таҳлил қилади.

Гендер стереотиплари нафақат социологлар, балки психологлар, маданиятишунослар, иқтисодчилар, сиёсатчилар, хукуқшунослар, антропологлар ва тилшуносларнинг ҳам ўрганиш предметига айланди.

Антрополог И.С.Кон (Кон, 1970, 1981, 2001, 2003б, 2004б, 2005б, 2006, 2007а, 2007б) эркаклар аста-секин ўзларининг аввалги ҳукмронлигини йўқотаётган дунёда нима содир бўлаётгани ва улар қандай муаммоларга дуч келаётганига ўз эътиборини қаратади. Хусусан, эркакларда эркаклик фазилатларининг ўзгаришлиги ва уларнинг эркаклар учун қандай ноқулайликлар келтиришини аҳамиятини ўрганиб, оталик ва оталик инқизози нимани Англатиши ҳақида тавсиялар ишлаб чиқсан. И.С.Кон анъанавий патриархал жамиятга хос гендер стереотипларидан нафақат аёллар балки эркаклар ҳам азият чекаётганлигини таъкидлайди. Ҳар қандай шароитда ижтимоий-иқтисодий, этник-маданий, экологик ва бошқа омилларни ҳисобга олмасдан аёллар ва эркаклар ҳақида “умуман” ҳеч нарса айтмаслик, одамларнинг шахсий хусусиятларини ижтимоий, биологик ва табиий омиллардан камситмаслик кераклигини асослаб беради.

Рус сиёсатшуноси Т.Б. Рябова (Рябова, 1995, 1999, 2000, 2001, 2002, 2003, 2006, 2008) жинс, гендер ва гендер стереотиплари борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борган, хусусан, ўзининг гендер стереотипларининг услубий муаммоларига бағишиланган мақоласида (Рябова, 2003, 120-139) гендер стереотипларини яратиш омиллари, механизмлари, уларининг мазмуни, хусусиятлари, функциялари ҳамда гендер муносабатларига таъсирини таҳлил қиласди. Т.Б.Рябова таъкидлайди: “Гендер стереотиплари – бу "эркаклик" (маскулинлик) ва "аёллик" (фемининлик)нинг ижтимоий жиҳатдан қурилган тоифалари бўлиб, улар жинсига қараб ҳар хил хатти-ҳаракатлар билан тасдиқланади. Яъни, эркак ва аёлнинг ижтимоий жиҳатдан қурилган хусусиятларини акс эттириб, эркак ва аёл фазилатлари, хатти-ҳаракатлари, касблари, ижтимоий роллари, жамият ҳамда оиладаги ижтимоий тушунчалари ёритилади. Бунда улар шахснинг ўзига хос хусусиятидаги ролини акс эттиради, хусусиятлар ва муносабатларнинг эркаклар ҳамда аёллар қарашлари билан ўзаро боғлиқлигини англатади” (Рябова, 2003, 120-139).

Т.Б. Рябова гендер стереотиплари асосан ижтимоий нормалардир, дейди. У эркаклар ва аёлларнинг ўзига хос фазилатлари ва хатти-ҳаракатлари барчада борлиги ҳамда одамларнинг аксарияти гендер стереотипларига эга эканлиги ҳақида ёзади. Унинг фикрича, гендер стереотипларининг ўзгариши ижтимоий воқелиқдаги ўзгаришларга қараганда анча секинроқдир. Гендер стереотиплари табиатан меъёрий (норматив) бўлиб, ижтимоий муносабатлар тизимини яратишда иштирок этади. Айнан гендер стереотипларини ўрганиш ижтимоий назорат қилиш, ҳокимият билан алоқаларни ўрнатиш, саклаш ва созлаш жараёни сифатида стереотиплаш муаммосига янгича ёндашувни ишлаб чиқишга муҳим ҳисса қўшди (Рябова, 2003, 120-139).

Рус психологи А.И. Кабалевская (Кабалевская, 2012) ўзининг ижтимоий билиш муаммоларига бағишиланган мақоласида стереотиплаш механизмлари ва гендер стереотиплари гурухлараро ўзаро таъсирнинг регулятори (тартибга солувчиси) сифатида қарайди. У гендер стереотипини шахс томонидан ижтимоий дунёнинг изчил ва тартибли тасаввур қилишда ёрдам берувчи асосий омил сифатида таъкидлайди.

Рус филологи Е. А. Каркищенко (Каркищенко, 2013) ўз тадқиқотларида асосий эътиборни ўсмирларнинг бадиий ва илмий-оммабоп адабиётлар матнларини идрок этишида уларнинг дунёқарашига онгиз ёки онгли равищда сингдирилган гендер стереотипларини шакллантиришнинг дискурсив (мунозара, мулоҳаза) усулларини аниқлашга қаратди. Унинг таъкидлашича, гендер стереотиплари – ижтимоий стереотипларнинг алоҳида ҳолати бўлиб, унинг барча хусусиятлари маълум бир ижтимоий доирада яратилади ва тилда мустаҳкамланади. Шунингдек, дунё ҳақидаги жамоавий

билимларга боғлиқ ҳолда тил ва тил орқали кириш мумкин бўлган объектнинг тасвирини очиб беради (Каркищенко, 2013, б. 52-55).

Рус файласуфлари О.О. Жидкова, Т.В. Коробкиналар (Жидкова, О. & Коробкина, Т. 2014, 191-195) ўз тадқиқотларида жаҳон ва рус олимларининг гендер стереотиплари, унинг ўзига хослиги ҳақидаги қарашларни таҳлил қилиб, гендер стереотиплари инсоннинг ўзига хослигини шакллантиришдаги асосий омиллардан бири сифатида, унинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини очиб беришга ҳаракат қилишади.

Хукуқшунос Карлос А. Балл ўзининг гендер стереотиплаш назариясини ҳукуқий жиҳатдан (АҚШ ҳукуки асосида) таҳлил қиласди. Унинг фикрича, гендер стереотиплаш назарияси тенгликни кўпроқ плюралистик (хилма-хил) тушуниш учун меъёрий ҳолатни яратишга ёрдам беради. У гендер стереотиплаш назарияси чекланган миқдордаги имтиёзли ўзига хосликлар (LGBT) нинг мавжудлигига боғлиқ бўлмаган тенглик назариясини ифодалаш ва амалга оширишнинг амалий усулини таклиф қиласди. Хусусан, тадқиқот натижалари эркаклар ва аёллар бир-биридан тубдан фарқ қиласди деган даъвони рад этади, аммо шунга қарамай инсоният қатъийлик билан уларни бутунлай бошқача кўришда давом этаяпти шу идрок асосида улар билан турли йўллар билан мулоқот қиласяпти (Carlos A. Ball, 2019, 230-285).

ХУЛОСА

Биз юқорида айнан ижтимоий-гуманитар фан соҳаларида гендер стереотипларининг тадқиқ қилинганлик ҳолатига тўхтадик ва бу борада қўйидаги хулосаларга келинди:

- Гендернинг ижтимоий ишлаб чиқариши тадқиқот объектига айланганда, одатда, гендер социализацияси, меҳнат тақсимоти, оила ва оммавий ахборот воситалари орқали қандай қурилганлиги кўриб чиқиласди. Бунда асосий мавзулар: гендер роллар, гендер стереотиплари, гендер ўзига хослиги, гендер табақаланиши ва тенгсизлиги муаммоларидан таркиб топади. Бу “эркак” ва “аёл” тушунчаларига мос келадиган хулқ-автор шакллари ва характер хусусиятларини стандартлаштирилган тасвири сифатида аниқлашга имкон беради (Каркищенко, Е. 2013, б. 64-65);

- Сиёсатшунослар наздида гендер стереотипларини ўрганиш ижтимоий назорат қилиш, ҳокимият билан алоқаларни ўрнатиш, сақлаш ва созлаш жараёни сифатида стереотиплаш муаммосига янгича ёндашувни ишлаб чиқишига муҳим ҳисса қўшади;

- Социологлар учун гендер стереотиплари – бу маълум бир маданиятда қабул қилинган маълум бир жинс вакилларининг ҳаёт нормалари ва қоидаларига қараб идрок этиш, мақсад қўйиш ва инсон хатти-ҳаракатларининг барқарор дастурларидир;

- Тилшуносликда гендер стереотиплари – ижтимоий стереотипларнинг алоҳида ҳолати бўлиб, унинг барча хусусиятлари маълум бир ижтимоий доирада яратилиш ва тилда мустахкамланиш ғоясига асосланади;

- Психологияда гендер стереотипини шахс томонидан ижтимоий дунёнинг изчил ва тартибли тасаввур қилишда ёрдам берувчи асосий омил сифатида кўрилади;

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Broverman, I. et al. (1972) Sex-Role Stereotypes: A Current Appraisal. // Journal of Social issues, T. 28, № 2, 59-78. Архивировано 6 августа 2015 года.
2. Burn, S. (1996). The Social Psychology of Gender. New York: McGraw-Hill Education
3. Burn, S. Aboud, R. Moyles, C. (2000). The relationship between gender social identity and support for feminism. // Sex Roles (англ.)рус., 42, 1081-1089.
4. Burn, S. (2000). Heterosexuals' use of "fag" and "queer": Contributor to heterosexism and; stigma. // Journal of Homosexuality, 40, 1-11.
5. Burn, S. & Busso J. (2005). Ambivalent sexism, scriptural literalism, and religiosity. // Psychology of Women Quarterly (англ.)рус., 29, 412-418.
6. Burn S., Kadlec K., Rexer R. (2005). Effects of subtle heterosexism on gays, lesbians, and bisexuals. // Journal of Homosexuality, 49, 23-48.
7. Burn, S. & Ward, A. (2005). Men's conformity to traditional masculinity and relationship satisfaction. // Psychology of Men and Masculinity (англ.)рус., 6, 254-263.
8. Burn, S., Winter P., Hori B., Silver N. (2012). Gender, ethnic identity, and environmental concern in Asian Americans and Euro Americans. // Human Ecology Review, 19, 136-145.
9. Carlos, A. Ball. (2019). Gender-Stereotyping Theory, Freedom of Expression, and Identit // William & Mary Bill of Rights Journal. Volume, 28:229. Issue 2 Constitutional Rights: Intersections, Synergies, and Conflicts. 230-285.
<https://scholarship.law.wm.edu/wmboj/vol28/iss2/2>
10. Miller, C. (2016, April). Gender Development, Theories of. The Wiley Blackwell Encyclopedia of Gender and Sexuality Studies. Retrieved from https://www.researchgate.net/publication/315785215_Gender_Development_Theories_of
11. Берн, Ш. (2002). Гендерная психология. СПб.: ПРАЙМ-ЕВРОЗНАК, 320.
12. Гидденс, Э. (1999). Социология. М.: Эдиториал УРСС, 704.
13. Дусказиева, Ж. (2010). Гендерная психология: учебное пособие. Красноярск. гос. пед. ун-т им. В.П. Астафьева. Красноярск, 108.

14. Усачева, Н. Теория и методология современных гендерных исследований. Retrieved from <http://gender.cawater-info.net/publications/pdf/usacheva.pdf>
15. Хараева, Л. & Кучукова, З. (2018). Гендер и этногендер (на материале кабардинской женской прозы). Нальчик: Издательская типография «Принт Центр», 193.
16. Жидкова, О. & Коробкина, Т. (2014) Гендерная идентичность и гендерные стереотипы: влияние и взаимосвязь. // Вісник Харківського університету. Сер. Теорія культури і філософія науки. – Харків, № 1092, 191–195. <http://openarchive.nure.ua/handle/document/2504>
17. Кабалевская, А. (2012). Представления о гендерных стереотипах в современной социальной психологии // Психологические исследования. № 2(22). URL: <http://psystudy.ru> (дата обращения: чч.мм.гггг). 0421200116/0016.
18. Каркищенко, Е. (2013). Гендерные стереотипы: дискурсные средства формирования и репрезентации в коммуникативном поведении подростков / диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Москва, 220.
19. Кон, И. (1970, 1 январ). Мужественные женщины? Женственные мужчины? // Литературная газета, № 1, 12.
20. Кон, И. (1981). Категория «Я» в психологии // Психологический журнал. Т. 2. № 3.
21. Кон, И. (2001). Мужские исследования: меняющиеся мужчины в изменяющемся мире // Введение в гендерные исследования. Ч. 1: Учеб. пособие / Под ред. И. Жеребкиной. Харьков: ХЦГИ; СПб.: Алетейя, 562–605.
22. Кон, И. (2003б). Мужское тело в истории культуры. М.: Слово.
23. Кон, И. (2004б). Пол и гендер: Заметки о терминах // Андрология и генитальная хирургия. № 1–2, 31–34.
24. Кон, И. (2005б). Сексуальная культура в России: Клубничка на березке. 2-е изд. М.: Айрис.
25. Кон, И. (2006). К проблеме национального характера // Междисциплинарные исследования: Социология. Психология. Сексология. Антропология. Ростов-н/Д.: Феникс, 239–258.
26. Кон, И. (2007а). Дедовщина в свете исследований закрытых мужских сообществ // Мужской сборник. Вып. 3. Мужчина в экстремальной ситуации. СПб.: Индрик, 84–90.
27. Кон, И. (2007б). Гомофobia как лакмусовая бумажка российской демократии // Вестник общественного мнения. № 4(90), 59–69.

28. Меренков, А. (2001). Социология стереотипов. Екатеринбург: Изд-во Урал, ун-та, 161-196.
29. Пушкарева, Н (2005, 3-4 октября). Что такое «гендер»? (Характеристика основных концепций). Гендерная теория и историческое знание (Материалы второй международной научно-практической конференции). Сыктывкар, 279.
30. Рябова, Т. (1995) Идеал женщины – правительницы дома в позднее средневековье: (По русским и итальянским источникам) // Женщина и российское общество: научно исторический аспект. Иваново.
31. Рябова, Т. (1996). Материнская и отцовская любовь в русской средне-вековой традиции // Женщина в российском обществе. № 1.
32. Рябова, Т. (1999). Женщина в истории западноевропейского средневековья. Иваново.
33. Рябова, Т. (2000). Маскулинность в политическом дискурсе российского общества: история и современность // Женщина в российском обществе. № 4.
34. Рябова, Т. & Рябов, О. (2001) Политические конфликты и репрезентация Другого: Опыт гендерного анализа // Политические конфликты в прошлом и настоящем: Материалы Всерос. науч. конф. Иваново.
35. Рябова, Т. (2001). Гендерные стереотипы и гендерная стереотипизация: к постановке проблемы // Женщина в российском обществе. № 3/4.
36. Рябова, Т. (2002). В поиска утраченной маскулинности? // Гендерные исследования. № 7/8 (2002). Рец. на кн.: Лимонов Э. Моя политическая биография СПб.
37. Рябова, Т. (2003). Стереотипы и стереотипизация как проблема гендерных исследований // Опубликовано в: Личность. Культура. Общество. Т. V. Вып. 1-2 (15-16), 120-139.
38. Рябова, Т. (2003). Гендерный дискурс как оружие политической борьбы // Там же. № 1/2.
39. Рябова, Т. (2004). Мужественность и женственность в политическом дискурсе современного российского общества // Гендерные исследования. № 11.
40. Рябова, Т. (2006). Политический дискурс как ресурс «создания гендера» в современной России // Личность. Культура. Общество. Т. 8. Вып. 4 (32).
41. Рябова, Т. (2006). Будьте мужчинами!: рекрутирование гендерной идентичности в политическом дискурсе современного российского общества // Вестн. Нижегород. ун-та им. Н. И. Лобачевского. Соц. науки. Н. Новгород, Вып. 1(5).
42. Рябова, Т. & Рябов, О. (2008). Россия поднимается с колен: Ремаскулинизация и новая российская идентичность // Личность. Культура. Общество. Т. 2. Вып. 3 (42)._
43. Рябова, Т (2008). Пол власти: гендерные стереотипы в современной российской политике. Иваново: Иван. гос. ун-т, 246.
44. Санюкевич, Д. (2013). Гендерные стереотипы в английских пословицах и поговорках. // Научные стремления, 4 (8)'13. 82-86. Retrieved from <https://www.cyberleninka.ru/article/n/gendernye-stereotipy-v-angliyskih-poslovitsah-i-pogovorkah/viewer>
45. Соколова, Е. (2013). Гендерные стереотипы в современных СМИ как инструмент коммуникации // журналистика и массовые коммуникации. Москва, 71-77.